



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
кељаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 26 июнь, № 125 (6308)


Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Мустақил Ўзбекистон: ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИ

24 йил



Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган тадрижий ислохотлар сиёсати ва халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли Ўзбекистон мустақиллик йилларида улкан натижаларга эришиб, изчил тараққий этиб бормоқда.

Гарчи юртимиз ўзининг навқирон 24 ёшини қарши олаётган бўлса-да, ана шу қисқа муддатда янги муваффақиятларни, юксак марраларни забт этаётган. Уларнинг ҳар бири, айниқса, дунё жадал ўзгариб бораётган, бутун бошли минтақалар сурункали низолаб ўчоғи ва қонли тўқнашувлар гирдобидида қолган бир даврда жуда аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мураккаб геосиёсий шароитда мамлакатда қарор топан барқарорлик ва осойишталикни кўз қорачигидек асраб-авайлаб, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришяпти, ижтимоий соҳа ривожланмоқда, таълим ва тиббиётни раванқ топтириш ҳамда қишлоқни янада обод қилишга катта миқдорда инвестиция йўналтирмоқда. Бу натижалар, таъбир жоиз бўлса, осмондан тушган эмас. Ҳар бир муваффақият, ҳар бир марра замирида мамлакатимиз раҳбари атрофида бир тану бир жон бўлиб жипслашган, ислохотларни рўёбга чиқариш йўлида юксак масъулият ҳисси билан яшаётган халқимизнинг заҳматли меҳнати мўжассам.



### ИСЛОХОТ САМАРАЛАРИ

Жаҳон молиявий инқирози ва сайёрамиз иқтисодийётидаги бекарорликка қарамасдан, Ўзбекистон барча жаҳада кўлга киритаётган ютуқлари билан дунё ҳамжамиятини ҳайратда қолдириб келмоқда. Гап шундаки, салкам 24 йил мобайнида мамлакатимиз иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоқларида жадал ривожланишга эришилди. 2014 йил якунларига қўра, янги ички маҳсулот 8,1 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,3 фоиз кўпайди. Капитал қурилиш қарийб 11 фоиз, чакана сав-

до айланмаси ҳажми эса 14,3 фоиз ўсди. Эътиборлиси, жорий йилнинг биринчи чорағида ҳам ўсиш суръатларининг ижобий тенденцияси сақлаб қолинди, янги ички маҳсулот 7,5 фоиз ортди. Президентимизнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, Жаҳон банки томонидан эълон қилинган, харид қобилияти бўйича ҳисобланганидан янги ички маҳсулот ҳажмига қараб аниқланган иқтисодий ривожланиш борасидаги янгиланган рей-

“Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, таълим тизимини такомиллаштиришда улкан ютуқларни кўлга киритди. Ушбу муваффақиятлар барқарор ва инсон манфаатларига йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарасидир”.

Пан Ги Мун,  
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби.

тингда Ўзбекистон дунёнинг 190 та давлати орасида 2010 йилдаги 72-ўриндан 66-ўринга кўтарилди.

Бу кўрсаткичлар, натижалар мамлакатимиз раҳбари йигирма йилдан олдинроқ бошлаган ислохотларнинг меваси, албатта. Уша вақтларда, мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон ўз олдида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, очик сиёсат олиб бориш, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадини кўйган эди. Президент Ислам Каримов кейинчалик бутун дунёда тараққийётнинг “ўзбек модели” деб ном олган стратегия асосида давлат ва жамият қурилишининг беш тамоийлини илгари сурди. Биз бугун ўша даврларда бошланган ва ҳозирги кунга қадар босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган ислохотларнинг оламшумул самараларига гувоҳ бўлиб турибмиз.

(Давоми 2-бетда).

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотидида “Ўзбекистоннинг юристар малакасини ошириш соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги” мавзусига бағишланган материал ЕХХТ иштирокчи мамлакатлари ўртасида ушбу ташкилотнинг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

## ЕХХТ расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

Унда Тошкентда бўлиб ўтган “Суд кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон таъбири” мавзусидаги халқаро конференция хусусида атрофлича маълумотлар ўз ифодасини топган. Мазкур ҳужжатда мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизими яратилгани маълум қилинган. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, амалга оширилган ислохотлар самарасида суд ҳокимияти ҳар томонлама мустақамланиб бормоқда.

Қайд этилганидек, республика-мизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни кучайтириш, ҳуқуқшунос-лар малакасини юксалтириш борасида салмоқли ишлар бажарилаётган.

(Давоми 2-бетда).

## Юксак ҳуқуқий маданият – қонун устуворлиги омили

Тошкентда “Қонунларни ижрочилар ва аҳолига етказиш бўйича халқаро таъриба: амалий жиҳатлар ва ҳуқуқий тартибга солиш” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

### АНЖУМАН

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, қатор миллий ҳамда халқаро ҳамкорлар билан биргаликда БМТ Тараққийёт дастури ва ЕХХТ кўмағида ташкил қилинди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда демок-

ратик янгилаш ва модернизациялаш жараёнида суд-ҳуқуқ тизимини изчил либераллаштириш муҳим ўрин тутди. Зотан, бу ислохотлар қонун устуворлиги ҳамда қонунийликни таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга, одамларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришга, жамиятда юксак

ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган. Бунда ҳуқуқий билимларни ошириш, фуқароларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда қонун ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилиши ҳамда ҳаётийлигини таъминлаш муҳим омил ҳисобланади.

Шу билан бирга, ижрочилар ва аҳолининг қонунлардан хабардорлигини ошириш қонун устуворлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Янгиқўрғон туманида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғи жадал ривожланмоқда. Бунда корхоналардаги илгор технологияларнинг самараси юқори бўлаётган.

### Қайта ишлаш саноатида йирик лойиҳа

Хусусан, “Natural Juice” масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган модернизациялаш тадбирларидан сўнг ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ортди. Мазкур лойиҳа ижроси учун 9 миллиард 700 миллион сўмликдан зиёд сармоя йўналтирилди. Натижада

кунига 150 тоннагача маҳсулотни қайта ишлаш имконияти юзага келди. Айни чоғда корхонада тайёрланаётган табиий неъматларга истеъмол бозорида талаб тобора ортиб бораёпти.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

### Замонавий дизайндаги либослар

Шуманай туманидаги “Гулмира текстиль” корхонаси фаолият бошлаганига бир йил тўлди. Ўтган қисқа даврда мазкур ишлаб чиқариш субъекти ички бозорда ўз ўрнини мустақамлашга эришди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

### Меъморлар учун маҳсус дастур

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали талабаси Дилшод Хуррамов уй ва бинолар лойиҳаларини тайёрлайдиган маҳсус дастур яратди.

Ушбу ишланма архитектор ва қурувчилар учун мўлжалланган, — дейди лойиҳа муаллифи. — Шунингдек, ундан яқна тартибда уй-жой барпо этувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин. Бунинг учун қурилиш материалларининг бозордаги нарҳини аниқлаб, пойдеворнинг баланглиги, эни ва узунлигини ҳисоблаган ҳолда, унга аста ҳақи ҳам қўшилгани дастурга киритилса, бас. Аниқ ҳисоб-

китоб бир зумда тайёр бўлади. Сабаби, дастурнинг компьютер ва мобил телефонда ишлайдиган нусхалари яратилган. Таъкидлаш керакки, мазкур янгилик муаллифи VIII Инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳаларнинг республика ярмаркаси доирасида ўтказилган танловда энг фаол иштирокчи сифатида тақдирланган.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

### Иккиламчи хом ашёдан қўшимча даромад

Жарқўрғон туманидаги “Жарқўрғон баракали ёғ” масъулияти чекланган жамияти кунгабоқар, ер ёнғоқ ва мевалар данагидан ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

Яқинда бу ерда банкнинг 274 миллион сўмлик кредити эвазига нотўқима материаллар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди.

— Янги бизнес-режа шарофати билан корхонамизда қўшимча 10 та иш ўрни яратдик, — дейди тадбиркор Хайрулла Сафаров. — Ҳозир замонавий хорж технологиялари ёрдамида бўз тўқинини ҳам йўлга қўяёмиз.

Нормурод ТЕМИРОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2015 йилнинг биринчи чорағида юртимизнинг қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар қурилишида

53,9 миллиард сўмлик иш бажарилди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқна тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурига мувофиқ, бунёд этилган ушбу тураржой массивларига бир йўла табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви тармоқлари тортилиб, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари билан тўлиқ таъминлангани диққатга сазовордир.

(Давоми 2-бетда).

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Мустақил Ўзбекистон: ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

НАХОТ — ФАҚАТ КАТЪЙ ҚАРОРЛАРДА

Ўз оиласи ҳамда тинч-осойишта гуллаб-яшнаётган Ватанининг фаровонлиги йўлида яшаб, меҳнат қилаётган ҳамюртларимизга қараб, баъзан ўйлаб қоласан, киши: "Биз ўзимизнинг яқин ўтмишимизни қанчалик эслай оламиз?" Ахир бундай ёруғ кунлар ҳаммиша ҳам бўлган эмас. Бугунги бахтли ҳаёт — бу бор-йўғи йигирма йилдан ортқроқ вақт давомида эришган ютуғимиз. Бу файзли кунлар биз-

га осмондан тушган эмас, балки бутун халқни мустақиллик гоёси билан олға интилишга илҳомлантира олган Ўзбекистон раҳбарининг чуқур ўйланган сиёсати натижасидир.

Шу маънода, айниқса, Ислмо Каримовнинг кўп миллатли халқимизнинг асрий орзуси, энг улуг ва энг азиз неъмат бўлмиши истиқлолни кўлга киритишимиз тарихини акс эттирган "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" номли китоби ҳар бир инсонни чуқур мулоҳазага чорлайди.

Мазкур асарда баён этилган чинакам тарихий воқеаларни ҳаяжон билан ўқийсиз.

Масалан, республикаимиз раҳбарининг 1989 йилдаги нутқини олайлик. Президентимиз унда қатъий оҳангда "Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди", дея алоҳида таъкидлаган эди. Ёки собиқ иттифоқ республикалари ичда биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик институтининг жорий этилганини эсланг.

Бу йиллар катта иқтисодий қийинчиликлар даври ҳам эди. Экинзорларнинг бор-йўғи 8-10 фоизда бўғдой етиштирилди, 0,8 фоизда — картошка. Айни вақтнинг ўзида улкан майдонлар пахта учун ажратилганди. Бироқ шундай

оғир вазиятда ҳам, Ислмо Каримовнинг қатъий саъй-ҳаракатлари натижасида 1989 йилнинг август ойида шахсий томорқа хўжаликлари ва уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида ҳужжат қабул қилинди. Унга кўра, 1989 — 1990 йилларда 1,5 миллион оиланинг томорқа хўжаликлари кенгайтирилди, 700 миң оилага ер участкалари ажратилди. Бу чора-тадбирлар ўша пайтда кескин тус олган ижтимоий вазиятга юмшатиш имконини берди. Аҳолининг даромад манбалари кўпайди, уй-жой масалалари ўз ечимини топиб, бандлик даражаси ўса бошлади.

Ўз навбатида, ислохотларнинг танлаб олинган йўли давомида эллириб, фермер хўжаликлари ташкил қилинди, қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқарувчилар биринчи марта ҳуқуқий кафолатга эга бўлишди. Бу ўша давр учун улкан ва масъулиятли қадам эди. Зеро, айнан шу саъй-ҳаракатлар боис аҳолининг ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлашга қолмасдан, 180 турдан ортқ сархил, қайта ишланган сабзавот ва мевалар дунёнинг 80 та мамлакатига экспорт қилинапти. Ушбу соҳадаги муваффақиятлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Яқинда Италия пойтахтида БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида Минг-йиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун Ўзбекистонни тақдирлагани ана шундан далолат беради.

Бу — бугунги кун ҳақиқати. Ҳар қандай одам англаб етасдики, ўша пайтда, яъни бундан 24 йил муқаддам хатога йўл қўйиш жуда осон эди. Қалтис вазиятда кейинги одимни ташлаш учун бор нарсани сақлаб қолиш эса анчайин мураккаб саналади. Шу боис бозор муносабатларига айнан босқичма-босқич ўтиш мамлакат учун эски тузумдан янги ривожланган демократик давлат сари олиб борадиган ягона тўғри йўл бўлиб қолди. "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг" деган тамойил ҳаётимизнинг барча жабҳасига татбиқ этилди. Бош ислохотчи ва ташаббускор бўлишдек оғир вазифани давлат ўз зиммасига олди. Иқтисодийнинг сиёсатдан устунлиги, қонун устуворлиги ва кучли ижтимоий сиёсат қарор топди.

Бу йўналишда олиб борилган кўп йиллик меҳнатнинг самараси ўлароқ, мамлакатда шу пайтгача бўлмаган юксак технологияга асосланган тармоқлар юзага кела бошлади — автомобиллар, компьютерлар, мобиль телефонлар ва бошқа замонавий техникаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қолган соҳалар — озиқ-овқат, кимё, енгил саноат ва қурилиш материаллари индустрияси тўлиқ модернизация қилинди. Ўзбекистон борган сайин аграр республикадан ривожланган, диверсификация қилинган иқтисодиётга эга мамлакатга айланди.

Мамлакатимиз эришган ютуқ ва марралар дунёнинг ривожланган давлатлари раҳбарлари даражасида ҳам

эътироф этилмоқда. Хусусан, яқинда Президентимиз Ислмо Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида ушбу мамлакат Президенти Пак Кин Хэ Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўтган 20 йилдан ортқ вақт давомида барқарор ва изчил ривожланиб, улкан муваффақиятларни кўлга киритаётганини таъкидлади. Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Корея Республикаси раҳбари глобал иқтисодиётда мураккаб вазият юзага келганига қарама-қарши, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатлари кейинги ўн йилда 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани таҳсинга лойиқлигини юксак баҳолаган.

Бу фикрни хорижлик экспертлар ҳам тасдиқлашади: "Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йиллариданок "шок терапияси"дан воз кечган ҳолда, ислохотлар сиёсатини ўтказди. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш йўлидан борди. Натижада мамлакатда барқарорлик сақланиб турибди, давлат ҳокимияти мустаҳкамланаяпти, сиёсий ислохотлар жадаллашмоқда", дея таъкидлайди "Жэньминь жибао онлайн" нашрида чоп этилган мақолада Хитой ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти Марказий Осиёни тадқиқ этиш бўлими директори У Хунвэй.

Эксперт, шунингдек, бугунги кунда халқроқ майдонда юзага келган мураккаб ша-

роитда Президент Ислмо Каримов раҳбарлигида узокни кўзлаган ҳолда, сиёсат олиб борилаётганини ва бу мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш имконини бериб, минтақавий барқарорликни сақлашда улкан ҳисса бўлаётганини ҳам таъкидлаган. Бу Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи мамлакатнинг ички шарт-шароитларига жавоб берадиган ўз тараққиёт йўлидан бораётганини тасдиқлайди.

Бошқа бир олим — Варшава университетининг Сийёсий фанлар институти профессори Тадеуш Бодионинг сўзлари ҳам шу фикрларга ҳам-оҳанг. У шундай дейди: "Мустақилликнинг тарихий жиҳатдан ниҳоятда қисқа бўлган йигирма уч йили мобайнида Ўзбекистон эришган ютуқларга ҳавас қилса арзийди. Бу Президент Ислмо Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "Ўзбек модели"ни ҳаётга изчил татбиқ этишнинг амалий натижасидир".

(Давоми 3-бетда).



ЕХХТ расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 30 ноябрдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2013 йил 28 июндаги "Юридик қадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилапти.

Ҳужжатда Ўзбекистонда ушбу йўналишда эришилган ижобий натижалар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани алоҳида

таъкидланади. Судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, масофавий ўқитишнинг илғор усулларини қўллаш соҳадаги ишларни янада такомиллаштиришда асосий омил бўлмоқда.

Ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини юксалтиришда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази муҳим ўрин тутаётгани ҳам мазкур материалда баён этилган. Бу ерда ҳар йили суд-ҳуқуқ тизимининг икки мингдан зиёд мутахассислари

билим ҳамда кўникмасини кучайтирмоқда.

Мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган халқаро анжуманда бу жаҳада тўпланган илғор тажрибаларни оммалаштириш, соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, суд ишларига ахборот-коммуникация технологияларини, хусусан, "онлайн" малака ошириш курсларини жорий этиш масалалари муҳокама қилинган ҳамда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилганига доир маълумотлар ўз аксини топган.

«Жаҳон» АА. Вена

ТАНЛОВ

Навоий шаҳрида "Ораста қизлар давраси" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида голибликни кўлга киритган ўнта жамоа қатнашди.

Ораста қизлар баҳси

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЕИҲ, вилоят ҳокимлиги, вилоят халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда иштирокчилар кийиниш

маданияти, миллий аънава ва қадриятлар ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги билим ва тушунчаларини синондан ўтказдилар. Бундан ташқари, улар "Ватан маҳалладан бошланади", "Остонаси гулзор хонадон" — фариштали хонадон"

каби мавзуларда ҳам ўз қарашларини баён қилдилар.

Яқунда Зарафшон шаҳри жамоаси танлов голиби, деб топилди. Карманликлар иккинчи, Қизилтепа тумани ораста қизлари эса учинчи ўринни эгаллашди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон Республикаси Олий судида "Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати: бугунги ҳолати ва истиқболлари" мавзусида семинар ташкил этилди. Анжуманда суд жараёнида ОАВ вакиллари, журналистларнинг иштирокида семинар ташкил этилди.

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимизда тиббиёт кадрларини тайёрлаш, уларнинг малакасини юксалтириш ва мутахассисликка йўналтириш борасида амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Навоийда "Инновацион гоғлар" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда сааноат, соғлиқни сақлаш, инновацион технологиялар, қишлоқ хўжалиги оид 30 дан ортқ инновацион технология ва лойиҳалар тақдим қилинди.

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Чемпионлик — кўнгил эҳтиёжи" деб номланган китоблар кўрғазмаси ушатирилди. Тадбирда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спортга доир янги адабиётлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Юксак ҳуқуқий маданият — қонун устуворлиги омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон парламенти томонидан 2010 йилда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси эса ахборот соҳасидаги қонунчиликни тубдан такомиллаштиришда алоҳида ўрин тутади. Хусусан, ушбу дастуриламал ҳужжат асосида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Унда аҳолини қабул қилинаётган қарорлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида хабардор қилиш тартиб-таомиллари аниқ белгилаб берилди.

Юртимизда қонунларни қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлашнинг механизмлари яратилган бўлиб, улар, биринчи галда, аҳолини хабардор қилишни назарда тутди. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш уларни амалиётга жорий этишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар қонунчиликка мувофиқ, расмий нашрларда чоп этилаётгани эътиборга моликдир.

Маълумки, жорий йилда бўлиб ўтган парламент палаталарининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қонунчилик фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжатларда қонунлар-

ни ижрочиларга етказишни ўрганиш долзарб вазифа бўлиши кенгайтирилиши таъкидлаган эди.

Давра суҳбати иштирокчилари қайд этганидек, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ижрочиларга ҳамда аҳолига етказиш қонунларнинг амалиётда бажарилиши, шунингдек, ҳуқуқий таълимнинг таркибий қисми саналади. Ушбу механизм фуқароларнинг қонунлардан хабардорлигини ошириш бўйича умумий чора-тадбирлар билан бир қаторда, фуқаролар, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган аниқ ҳаракатларни ўз ичига олади. Қонуннинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш қонун устуворлигини мустаҳкамлашнинг асосий шарт бўлиб, бунда давлат органлари фаолиятини таъминлашнинг механизми, олимллар ҳамда амалиётчи юристлар, фуқаролик жамияти вакиллари салоҳиятидан кенг фойдаланиш лозим.

Асосий Қонунимизда Конституция ва қонунлар устуворлиги сўзсиз тан олинган, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритишига оид қондалар белгилаган. Шунингдек, унда Ўзбекистон Республикасининг барча давлат

органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериш лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Давра суҳбатида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, илмий, эксперт доиралари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон прокуратура органлари, хорижлик мутахассислар қабул қилинган қонунларни ижрочиларга ва аҳолига етказиш механизmlарининг турли жиҳатларини кўриб чиқишди, ушбу соҳада ҳуқуқни қўллаш соҳасини такомиллаштириш юзасидан фикр алмашишди. Тадбир қатнашчилари мазкур соҳада орижнинг илғор тажрибасини ўрганиш, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини даволат қилинган қонунларни ижрочиларга ҳамда аҳолига етказиш таъминлаш самардорлигини ошириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, аҳолини қонунчилик ҳақида хабардор қилишнинг замонавий усулларини кўриб чиқиш катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этишди.

— Давра суҳбатида бир қатор муҳим масалаларни муҳокама қилдик, — деди БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Стефан Присер. — Президент Ислмо Каримов Ўзбекистон Республикаси

Президенти лавозимига кириш ш тантанали маросимда ахборот ва сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва ҳимоялаш каби ислохотларни янги, юксак босқичга кўтариш зарурлигини алоҳида қайд этган эди. Дарҳақиқат, қонун устуворлигини таъминлаш ҳаммамиз учун долзарб вазифа ҳисобланади. Янги, сифатли қонунларни қабул қилиш асосида уларнинг ижросини таъминлаш, жамоатчиликни хабардор қилиш амалиётини йўлга қўйиш лозим. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги юксак бўлиши керак. Зотан, бу қонун устуворлигининг негизидир.

— Тадбир Ўзбекистоннинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги тажрибаси, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги мамлакатнинг сиёсати, қонунчилик тарғиботи хусусида батафсил танишиш имконини берди, — деди маълум юрист профессор Гутierrez Алонсо Хуан Хосе (Испания). — Шақ-шубҳасиз, қонун устуворлиги ва демократия узвий тушунча ҳисобланади. Демократия ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш жамиятдаги тараққиёт, эркинлик, тинчлик ва ҳамжихатликнинг ифодаси ҳамдир. Фуқароларнинг қонунлардан хабардорлиги ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда қўл келади. Шуни қайд этиш керакки, Евро-

па мамлакатлари, хусусан, Испания учун аҳолининг қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги хабардорлигини ошириш, уларнинг ижроси устидан назоратни таъминлаш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун мунайим қонунларни қабул қилишдан аввал оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқий ҳужжат ҳақида ахборот эълон қилинади. Бинобарин, қонунчиликдан янги хабардор жамоатчиликка кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни яратиши мумкин.

— Бугун фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади, — деди Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси тадқиқот хизматининг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари эксперти Ким Ёнг Чан. — Ўзбекистонда ушбу йўналишда катта ютуқларга эришилганига гувоҳ бўлдик. Қабул қилинаётган ҳужжатларни қонун ижодкорлигининг барча босқичида жа-

Давра суҳбатида парламентнинг ижро органи билан ҳамкорлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари билан танишиш имкониятини яратиб, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва бошқа масалалар муҳокама этилди. Тадбир янги қонунлар, мавжудларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини ижрочиларга ва аҳолига етказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш борасида тажриба алмашиш ва хориж тажрибасини ўрганишда ўзига хос майдон вазифасини ўтади.

Давра суҳбатида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қобил ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Мустақил Ўзбекистон: ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИ

(Давоми. Бошланчи 1, 2, 3-бетларда).

Бугунги кунга келиб, фарзандларимиз давлатимизнинг бебахо бойлигига айланганига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортигини ёшлар ташкил этади. 19 миллион нафарга яқин кучга тўлган, шижоатли ва баркамол йигит-қизлар! Бу — Қозоғистон ёки Нидерландия каби давлатларнинг аҳолисига тенг бўлган рақам. Ва биз ўзимизнинг энг эзгу умидларимиз рўёбини уларда кўраимиз.

Давлат, ўз навбатида, ёш авлоднинг жисмоний соғлом, руҳан тетик, интеллектуал жиҳатдан етук бўлиб камол топиши, ҳар томонлама билим олиши ва касб эгаллаши учун барча сазой-ҳаракатларни сафарбар этмоқда.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг тобора жадал ривожланиб бораётган иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа учун зарур мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган мақтаблар, лицей ва касб-хунар коллежлари бунёд этилди. Бу ишларнинг натижалари жаҳон ҳамжамиятини бефарқ қолдирмади. 2012 йили Тошкентда бўлиб ўтган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарты" мавзюида-

ги халқаро конференцияда Ўзбекистонда амалга оширилаётган узлуксиз таълим ва тарбиянинг миллий модели экспертлар томонидан бошқа давлатлар учун андоза сифатида тавсия этилди.

Бироқ бундай эътирофдан ҳеч ким ҳаволаниш кайфиятига берилиб кетгани йўқ. Технологиялар ва интернет асри хотиржамликка ўрин қолдирмайди. Шунинг учун ҳам, таълим соҳасидаги ислохотлар жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Ҳукуматимизнинг яқинда бўлиб ўтган мажлисида таъкидланганидек, таълим соҳасида фақат ўтган йилнинг ўзида 540 дан зиёд объект, жумладан, 380 та мактаб, 160 дан ортиқ касб-хунар коллежи ва академик лицей бинолари

тубдан янгиланди. Мазкур мақсадлар учун 550 миллиард сўм сарфланди. Ушбу маблағларнинг 120 миллиард сўмдан ортиги таълим муассасаларини ўқув, лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш учун ажратилди.

Бор-йўғи бир йил ичида нафақат олий ўқув юртининг бинолари қурилди, ўнлаб эски бинолар таъмирдан чиқарилди, балки хориқлик ҳамкорлар билан биргаликда янги институтлар ва факультетлар ташкил этилди, ўқув марказлари очилди. Бу масканларда билимга чанқоқ йигит-қизлар турли соҳалар бўйича халқаро стандартлар даражасидаги юқори малакали мутахассислар бўлиб етишадилар. Бундай имкониятлардан фойдаланаётган авлоднинг нафақат чуқур билимга эга бўлиши, балки юксак маънавий салоҳият соҳиблари сифатида камол топишига шубҳа йўқ.

таҳкам негиз яратди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар бир йилда йигирма фоиздан зиёда ўсди. Аҳоли жон бошига реал даромадлар 10,2 фоиз кўпайди. Жорий йилда ижтимоий соҳа ва инфратузилма учун харажатлар яна 22,5 фоиз оширилди.

Эътиборлиси, Ўзбекистонда 2015 йил "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилинган. Ваҳолонки, жамоатчилик сўрови натижаларига кўра, юртдошларимизнинг асарият қисми томонидан кўлаб-қувватланаётган, мўътабар ўшдаги кишиларни ижтимоий ҳимоялаш янада кўлайиши кутилаётган бир пайтда баъзи мамлакатларда кун тартибидagi энг долзарб масала фуқароларнинг пенсия ёшини ошириш бўлиб турибди.

Айни пайтда Ўзбекистонда "Ислохот ислохот учун эмас, инсон учун" тамойилини ҳаётга татбиқ этиш давом этмоқда. Ўтган 2014 йил муваффақиятли бўлди ва жамиятимизга, ҳар бир фуқаро ҳаётига улкан ўзгаришлар олиб келди. Буни "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ўтказган Самарқанд сўров қатнашчиларининг 98 фоизи таъкидлади. Қишлоқларда болаларимиз учун мактаблар, коллежлар ва лицейлар, замонавий даволаш муассасалари қад ростламоқда. Шаҳарлар чирой очмоқда. Британиянинг нуфузли "Экономист" журнали ўтказ-



ган сўровга кўра, ўтган йили пойтахтимиз ободлиги ва қулайлиги бўйича дунёнинг 140 та шаҳри ичида 58-ўринни эгаллади ва жаҳон классификациясида яшаш учун энг қулай шароитларга эга шаҳарлар сафидан ўрин олди. Бир оз олдинроқ МДХдаги шаҳарлар ичида фақат Самарқанд Американинг "The Huffington Post" нашрида эълон қилинган "албатта бориб кўриш лозим бўлган дунёнинг 50 шаҳари" рўйхатида киритилган. Айни пайтнинг ўзида Американинг "Gallup" тадқиқот компанияси тузган "яши қайфият индекси" бўйича Ватанимиз 136 мамлакат ичида 29-ўринни эгаллаганди. Бу рўйхатда мамлакатимиз нафақат Хамдўстликдаги барча кўшнларни, балки Буюк Британия, Германия, Япония, Жанубий Корея каби ривожланган давлатларни ҳам орта қолдирди. Эеро, Ўзбекистонда ҳаёт кундан-кунга яхшиланиб бормоқда. Бу муваффақиятларга давлатимиз раҳбарининг

ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишга асосланган сиёсати ва халқимизнинг фидокорона меҳнати тўғрисида эришилмоқда.

Яқинда ОАВда истиқлол йилларида забт этилган улкан марраларимиз, иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари, ҳамюртларимиз ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётгани яна бир бор эътироф этилди. Янгиланган "World Happiness Index" ("Жаҳон бахтиёрлик индекси") рейтингига Ўзбекистон 44-ўринга кўтарилиб, бу борада МДХ ва Болтбўйи давлатлари орасида етакчига айланди. Колумбия университети социологари томонидан БМТ кўмагида ўтказилган тадқиқотда аҳоли фаровонлиги, ҳаёт давомийлиги, ишсизлик даражаси, инсон ҳуқуқлари ва бошқа кўплаб мезонларга юқори баҳо берилди.

Жамолiddин ТЎХТАШЕВ, Руслан КЕНЖАЕВ.

Суратлар «Халқ сўзи» фотожаммасидан олинди.



АСРЛАРГА ТЕНГ ЙИЛЛАР

Мамлакатимизнинг босиб ўтган йўлига ҳаёлан назар ташлар экансиз, мустақиллик солномасига битилган бу йиллар асрларга тенг эканлигига амин бўласиз.

Иқтисодиётнинг тадрижий ва мутаносиб ривожланиши аҳоли ҳаёти даражаси ва сифати изчил ошиши учун мус-

Муваффақиятларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмоқда. Нафақат бизга, балки бошқа давлатлар аҳолисига ҳам Ўзбекистонда ҳаёт йилдан-йилга яхшиланиб бораётгани яққол кўриниб турибди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар сиёсати, халқимизнинг фидокорона меҳнати шарофати тўғрисида юртимиз ана шундай ютуқларга эришиб, гуллаб-яшнамоқда.

ASAKA BANK logo and text: Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

кредит маблағлари ажратилди. Бу ерда йилига 70 тоннадан зиёд юқори сифатли ипақ толасини қайта ишлаш ҳамда махсулотни тўлиқ экспорт қилишга эришилди, 20 та қўшимча иш ўрни яратилди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР Ана шу талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, филиал мутахассислари касб-хунар коллежларини тамомлаган йигит-қизларга турли танлов ҳамда анжуманлар яқунларига кўра, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни топширмоқдалар.

Тадбиркорлик ривожининг муҳим мезони

Хусусий сектор равнақига эътибор изчил давом этапти. Жумладан, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа вакиллари кўлаб-қувватлаш йўлидаги наватдаги муҳим ҳужжатлардан бири бўлди.

дорида кредитлар йўналтирилди. Пировадидида ушбу маблағлар эвазига вилоятда ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолияти кенгайтириш, ҳудуд иқтисодий салоҳияти янада мустаҳкамланиб, янги-янги иш ўринлари яратилди.

сўмга етди. Шундан 90,7 фоизи узоқ мuddатда берилган сармоялардир. Бухоро шаҳридаги "Мама" масъулияти чекланган жамияти — банк миқозларидан бири. Корхонада молия муассасаси томонидан имтиёзли шартларда ажратилган кредит маблағлари ҳисобига пайпоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.



"Асака" банки мутахассисларига ҳам маъқул тушди. Тадбиркор мурожаати қисқа мuddатда ижобий ҳал этилиб, унга узоқ мuddатли кредит ажратилди. Ҳозир мазкур корхонада 15 нафар ишчи-мутахассис фаолият юритмоқда.

Фирдавс Шаҳриев. — Шу сабабли, касб-хунар коллежда таҳсил олишни маъқул кўрдим. Ўқишни тамомлагач, давлатимиз томонидан ишбилармонларга яратилган қулайлик ва имтиёزلардан рухланиб, тадбиркор бўлишга қарор қилдим. "Асака" банкининг Бухоро вилояти филиали мутахассислари мақсадини кўлаб-қувватлади. Шу аснода молия муассасаси томонидан ажратилган им-

«Қибрай» клиник санаторийси. Юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи иқтисодлаштирилган сифатдошир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

FPI DELIVERY SERVICE MЧЖ. Боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ҳамда хашақ ўришга мўлжалланган ичхам, қулай ва камхаражатли мотокультиваторларни тавсия қилади.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 118 971 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — М. Холматова. Мусахҳиҳ — С. Исмолов.